Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 144 (6.335) 1987 йил 27 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, СССР молия министри Б. И. Гостев, Удмуртия АССРдаги Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ю. И. Лобов, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари А. П. Филатов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госснаби раиси Л. А. Воронин, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, Украина ССРдаги «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Молодогвардейская» кон шахтаси ишчилари комплекс бригадасининг бошлиғи А. Я. Колесников, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков, СССР темир йўллар министри Н. С. Конарев, Москвадаги Ф. Э. Дзержинский номли «Трехгорная мануфактура» ип-газлама комбинатининг тўқувчиси Н. Н. Шчербакова, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, СССР кемасозлик саноати министри И. С. Белоусов, Краснодар ўлкасининг Усть-Лабинск районидаги «Кубань» колхози бригадири М. И. Клепиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди. Қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тақдим этган «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари»ни тасдиқлади.

Пленум умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини маъқуллади ва СССР Министрлар Советига ушбу Қонун лойиҳасини СССР Олий Совети муҳокамасига қўйишни топширди.

Пленумда КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясини 1988 йил 28 июнь куни Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум Н. Н. Слюньков ва А. Н. Яковлев ўртоқларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. П. Никоновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси этиб сайлади.

Пленум СССР мудофаа министри ўртоқ Д. Т. Язовни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди ва уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўртоқ С. Л. Соколов пенсияга чиқиши муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлик вазифасидан озод қилди.

Пленум Белоруссия ССРдаги «Память Ильича» колхоз-комбинатининг машинада сут соғиш оператори Л. Д. Бризга, Тюмень областидаги СССР 50 йиллиги номли «Сургутнефть» бошқармаси нефта ва газ қазиб олиш оператори Н. А. Павлов ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаган пайтда республика партия ташкилотига раҳбарликда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун ўртоқ Д. А. Кунаевни КПСС Марказий Комитети составидан чиқарди.


Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Пешқадамлар сафи кенгаймоқда

Асбобсозлик заводи ишчилари 7 ноябрь байрамини юқори натижалар билан кутиб олишни ўзларининг катта мақсадига айлантиришган. Шу боисдан ҳам коллектив кейинги пайтда салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Ойлик планлар мунтазам ортиғи билан адо этилиб, қўшимча бир неча минг сўмлик иш бажарилишига эришилаётир.

— Иши билан сўзи бир коллективимиз аъзолари бу йил 21 минг 500 сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган, — дейди 2-механика-йиғув цехи бошлиғи Валентина Ливада. — Амалга оширилаётган ишлар салмоғи бу муҳим топшириқ тўла уддаланаётганлигидан далолат бериб турибди. Юбилей шарафига авж олдирилган социалистик мусобақа натижаларимизнинг муҳим омили бўлмоқда. Унинг шарофати билан ишлаб чиқариш илғорларининг сафи тобора кенгаймоқда. Х. Имомов, Н. Содиқов, В. Султонов, Х. Исроилов, Р. Мўминов сингари ўз касбининг моҳир усталари ҳаммага ибрат бўлишяпти. Улар смена нормаларини мунтазам 20 процент ошириб адо этиш билан бирга, юқори сифатли иш бажаришга эришаётирлар.

Мусобақа пешқадамлари йил бошида 7 ноябргача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини уддалашга бел боғлаган эдилар. Айни пайтда улар сўз билан иш бирлигини таъминлашга эришишяпти. Ташаббускорларнинг ҳаракатига қўшилган В. Султонов, З. Мақсудов сингари пармаловчиларнинг эришаётган кўрсаткичлари ҳам анча қувончли бўлмоқда. Ҳозирда улар корхона маъмуриятининг пул мукофоти ва кўчма вимпеллари билан тақдирландилар.



Бугун—Ихтирочилар ва рационализаторлар куни

Замондошимиз

Янгилик яратувчи

Александр Христофодиснинг жиддий боқишларидан ишга муносабати, коллективда тутган ўрни шундоққина сезилиб турибди. У ҳақда ёғочсозлик заводи ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Дмитрий Гавриловичнинг айтганлари бизни тўлқинлантириб юборди.

— Александр ўз касбининг устаси, тажрибали етакчи сифатидагина эмас, моҳир рационализатор сифатида ҳам корхонамиз меҳнатчиларн ўртасида катта шуҳрат қозонган, — деди у. — Мана, янгилик ижодкорининг энг сўнгги ишланишидан заводимиз 2 минг сўмлик иқтисодий самара кўрди. Бунга дераза блокларн тайёрловчи линиясининг янада такомиллаштирилгани туфайли эришилди.

Дарҳақиқат янгилик яратиш, ижодий изланиш, ўз устида қунт билан ишлаш мураккаб вазифа. Уни ҳамма ҳам тўла тушуниб етавермайди. Қолаверса, иш ва ҳаёт ташвишларининг ўзидан ортиб, шундай хайрли ишга қўл уриш ҳам қийин. Бироқ Александр Христофодис бунга доимо имкон топади. Ўзининг ўн йиллик меҳнати сингган қадрдон корхонасининг довруғини ошириш учун куч-ғайратини аямайди. Технологик линиялар қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш чораларини излайди.

Александр ажойиб тақдир эгаси. Аслида у грек фарзанди. Ҳаёт тақозоси билан бир умр Тошкентга боғланиб қолди. Рус қизи Ирина билан абадий бирга бўлишга аҳду-паймон қилди. Улар ҳозир икки фарзандни тарбиялашмоқда. Умр йўлдоши Ирина республика ҳисоблаш марказида инженер. Александр эса илғор бригада бошлиғи.

Коллективдаги ўзаро ҳамжиҳатлик эришкладётган муваффақиятларнинг бош омили бўлаётир. Тажрибали бригадир ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилиш билан бирга ўзининг севимли машғулотини шундайлигича ташлаб қўймаяпти. Яқинда у яна бир муҳим янгиликка қўл урди. Натижада дераза блокларн тайёрланадиган конвейерининг илгичлари узайтирилиб, мустаҳкамланди. Янгиликнинг иқтисодий самараси корхона мутахассисларн томонидан ўрганилмоқда.

СУРАТДА: Александр Христофодис.

Т. Каримов фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, Марказий Комитет 1985 йил апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, қайта қуришга қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошириш Совет жамияти турмушининг барча соҳаларига чуқур таъсир ўтказмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми Совет жамиятини демократиялаш йўлидаги катта босқич бўлди. Совет халқи кенг миқёсли ўзгартишлар жараёнини тўла-тўкис ва сиёсий ҳамда амалий фаолиятини маъқуллайди ва партия съездининг стратегик йўлини халқ манфаатлари, социализм ишини мустаҳкамлаш, социалистик демократияни чуқурлаштириш манфаатларини кўзлаб, муттасил давом эттиришни топширади.

2. Пленум таъкидлайдики, ҳозир партия ва мамлакат қайта қуришнинг энг масъулиятли даврига — амалий ишлар даврига қадам қўйган бир пайтда ўзгартишлар суръатини бутун чоралар билан кучайтира бориш, ички ҳамда ташқи сиёсатнинг барча йўналишларида аниқ мақсадга қаратилган саботли ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни авж олдиришга асосий эътиборни қаратиш — бош вазифадир.

Пленум партиянинг, ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг бутун иши қайта қуришни чуқурлаштиришга, унинг ижобий натижаларини мустаҳкамлашга, турғунлик ҳолатларидан тезроқ қутулиш, ишончли ва амалий жадаллаштириш механизмини ишга тушириш имконини берадиган нарсаларнинг ҳаммасини олға силжитиш ва ривожлантиришга бўйсундирилишига алоҳида муҳим аҳамият беради.

Пленум Совет жамиятини демократиялашга қаратилган йўлни яна ҳам зўр активлик ва изчиллик билан ўтказиш зарур, деб ҳисоблаб, буни кенг меҳнаткашлар оммасини қайта қуришга бевосита жалб этишнинг асосий шарти, янгиланиш жараёни муқаррарлигининг гарантияси, деб билади.

3. КПСС Марказий Комитети Пленуми экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш қайта қуришнинг асосий вазифаси, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Бунда совет кишилари меҳнати ва турмушининг барча томонларига революцион-тенденциялар, янгиланиш, социалистик фикрлаш тарзи ва ҳаётнинг ўзи таъсир ўтказиши, социализмга янги сифат бағишлаши, уни янги ривожланиш погонасига кўтариши лозим бўлган янги яхлит системани яратиш биринчи ўринга қўйилмоқда.

Пленум экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладида таърифлаб берилган асосий йўналишларини, уни амалга ошириш мақсадлари ва принципларини маъқуллайди. Яхлит бошқариш системасига ўтиш экономика ривожлантирилишини реал жадаллаштиришни, унга янада жўшқинлик ва сифат бағишлашни, жамият эҳтиёжларининг фан-техника тараққиёти ютуқларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, табиатдан оқилона, социалистик фойдаланишни таъминлаш, барча босқичларда маъмурий раҳбарлик методларидан асосан иқтисодий раҳбарлик методларига қатъиян ўтиш, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтириш орқали қондиришни таъминлаш лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тақдим этган «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидалари» тасдиқлансин.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонунининг умумхалқ муҳокамаси якунларини ҳисобга олиб, тўлиқ ишлаб чиқилган лойиҳаси маъқуллансин. СССР Министрлар Советига шу лойиҳани СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

4. КПСС Марказий Комитети Пленуми қайд этадики, бошқаришни тубдан қайта қуриш социалистик экономикага раҳбарликда демократик централизм принципини қўлланиш тўғрисидаги масалани янгича ўртага қўйиб, экономикани бошқариш марказий органларининг фаолиятига нисбатан янги талаблар қўймоқда. Бу органлар социал-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланиш умумдавлат стратегияси амалга оширилишини, экономиканинг тўла ва ишончли мутаносиблигини, корхоналар ва бирлашмаларнинг хўжалик ҳисоби мустақиллиги ҳамда меҳнат коллективларининг ўзини-ўзи бошқариши шароитида уларнинг самарали хўжалик юритишлари ва шу асосда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлашлари керак.

Пленум марказий, республика ва маҳаллий бошқариш органларининг фаолиятини, планлаштириш системасини қайта қуришга, туб молия-кредит ислоҳотини, нарх белгилаш ислоҳотини амалга оширишга ва моддий-техника таъминотини қайта қуришга тааллуқли қарорларнинг лойиҳаларини ҳамда бошқа норматив актларни асосан маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Советига Марказий Комитет Пленумидаги муҳокамани ҳисобга олиб, уларни қабул қилишни топширади.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми таъкидлайдики, ҳозир қайта қуришнинг барча йўналишларида партия таъсирини кучайтириш, ижтимоий жараёнларга моҳирона раҳбарликни, партиявий ишда янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқилишини таъминлаш айниқса муҳим бўлиб, уларни кучайтириш зарур. Экономикани янгича бошқариш системасига ўтказиш соҳасидаги фаолиятда халқ хўжалигининг ҳам янгича, ҳам эскича бошқариш методлари амал қилиб турадиган ўтиш даврида нормал ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Партия ташкилотлари амалга оширилаётган ўзгартишларнинг олдинги сафларида бўлишлари лозим. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари иш услубини такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларига таяниб, сиёсий раҳбарлик методларини қарор топтиришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишлари, ишларнинг аҳволига ҳаққоний ва принципиал баҳо беришлари, кадрларни янгича ҳаракат қилишга ўргатишлари керак. Марказий иқтисодий органлар, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва бирлашмалар партия ташкилотларининг ишида масъулият ҳамда принципиалликни кучайтириш юзасидан конкрет чоралар кўриш зарур.

Партия XXVII съездининг, Марказий Комитет 1987 йил январь Пленуми ва ушбу Пленумнинг қарорларини амалга ошириш соҳасида партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш мақсадида шу йил охирида коммунистларнинг йиғилишларини ва сайлаб қўйилган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги ишлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини қўйиб партия комитетларининг пленумларини ўтказиш зарур, деб топилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети Пленуми иқтисодий бошқаришни, умуман хўжалик механизмини қайта қуриш ҳозир бутун жадаллаштириш стратегиясининг муваффақиятини белгилаб берувчи энг асосий вазифа эканлигини таъкидлайди. Уни амалга ошириш — ғоят муҳим умумпартия, умумхалқ иши, мамлакатнинг бутун турмушини янгилаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми, Октябрь ишининг бевосита давомидир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПССнинг XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 28 июнь куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. КПСС XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида.

2. Партия ва жамият турмушини янада демократиялаштиришга оид тадбирлар ҳақида.

3. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига ваколат нормаси қуйидагича белгилансин: конференцияга делегатлар иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетларининг пленумларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланишини назарда тутиб, 3780 нафар партия аъзосидан бир делегат сайланади. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларидан делегатлар область партия комитетларининг пленумларида сайлансин.

Совет Армияси, Ҳарбий—Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари қисмлари партия ташкилотларидан КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига делегатлар ҳам Компартиялар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг пленумларида бошқа делегатлар билан бирга сайланадилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмларининг партия ташкилотларида турган чет эллардаги коммунистлар КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига делегатларни тегишли ҳарбий қўшилмалар конференцияларида сайлайдилар.

Делегатлар 1988 йилнинг апрель-май ойларида сайлансин.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларини КПСС Бутуниттифоқ конференциясига ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак даражада, партия сафларини янада жипслаштириш, партия билан халқ бирлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ижтимоий ўзгартишлар жараёнини чуқурлаштириш белгиси остида тайёргарлик кўришга даъват этади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси коммунист-раҳбарларининг янги таҳрирдаги КПСС Программасининг оналар ва болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрликни кучайтириш юзасидан талабларини бажариш соҳасидаги иши масаласи кўриб чиқилди.

Бюро мажлисида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кейинги икки йил мобайнида болаларга хизмат кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасалар тармоғи ўсди. Сергели ва Куйбишев районларида иккита янги туғруқхона очилди, болалар касалхоналарида оналарни соғломлаштириш учун 450 га яқин терапевтик ўрин ташкил этилди.

Шу билан бу қаторда соғлиқни сақлаш бош бошқармаси коммунист-раҳбарларининг шаҳарда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасидаги ишлари КПСС XXVII съезди талабларига ҳамон жавоб бераётгани йўқ. Улар медицина муассасалари коллективларининг ишини жуда суст ва журъатсизлик билан қайта қурмоқдалар.

Даволаш-профилактика ишлари сифати паст даражада қолиб келмоқда, ҳомиладор аёлларга, болаларга медицина ёрдами кўрсатиш муассасалари ишида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиши, беморларга лоқайд қараш, қўполлик, профессионал уқувсизлик ҳоллари тугатилмаган. Кўпчилик туғруқхоналар ва болалар стационарлари санитария-гигиена

(Давоми 2-бетда).

Рационализаторлар слёти

Ижодий тафаккур эгалари — ихтирочи ва рационализаторларнинг фан-техника тараққиётини такомиллаштириш борасидаги қизғин изланишлари халқ хўжалигининг барча соҳасида кўзга ташланиб турибди. 2502-автоколоннада шу соҳа меҳнатчиларининг анъанавий касб байрамларига бағишланган слёт бўлиб ўтди.

Слёт ишида трест автокорхоналарининг бош инженерлари, ишлаб чиқариш-техника бўлимлари, авторемонт устахоналарининг бошлиқлари, касаба союз комитетларининг раислари, рационализаторлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари иштирок этдилар. Слётда рационализаторларнинг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

(Давоми. Боши 1-бетда).

талабларига жавоб бермайди, медицина техникасининг зарур воситалари билан етарли даражада таъминланмаган. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси медицина муассасаларини малакали кадрлар билан тўлиқлашга яхши эътибор бермаётир, уларнинг қўнимсизлик даражаси ҳамон юқори. Кадрларнинг амалий резерви вужудга келтирилмаган, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларини тайёрлаш соҳасида иш олиб борилмаяпти.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси партия ташкилоти аппарат фаолиятини амалда назорат қилмай қўйган, кадрларни танлаш ва тарбиялашдан четлашиб қолган, коммунист-раҳбарларга нисбатан улар ўз мансаб вазифаларини бажаришлари учун етарли талабчанлик кўрсатмаяпти.

Бюро Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси коммунист-раҳбарларининг янги таҳрирдаги КПСС Программасининг оналар ва болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрликни кучайтириш юзасидан талабларини амалга ошириш соҳасидаги ишини қониқарсиз деб топди, улардан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларини тубдан қайта қуриш бўйича ҳал қилувчи чоралар кўришни талаб этди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда ҳомиладор аёлларга ва болаларга медицина ёрдами кўрсатиш муассасалари ишини яхшилашга қаратилган амалий чоралар комплекси белгиланди.

Шунингдек республиканинг ўзини обрўсизлантириб қўйган собиқ раҳбарлари сўзлари билан айтиладиган қўшиқлар ёзилган грампластинкалар ва компакт-кассеталар ишлаб чиқариш, реализация қилиш фактлари ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди. Бюро таъкидлаб ўтдики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ш. Р. Рашидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақидаги» 1986 йил 22 май қарори матбуотда босилиб чиққанидан, унинг коллективларда муҳокама қилинганидан кейин Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон грампластинкалар уйи, Тошкент грампластинкалар заводи раҳбарлари Ш. Рашидов ва Ҳ. Яҳёев сўзлари билан айтиладиган қўшиқлар ҳамма ёзувини ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, уларни реализация қилишга йўл қўймаслик савдо ташкилотларининг тематик буюртмаларидан чиқариб ташлаш юзасидан конкрет чоралар кўрмадилар.

Ўзбекистон ССР маданият министри М. А. Аҳмедова, грампластинкалар уйи директори А. М. Ҳўжаева, грампластинкалар заводи директори Ю. Н. Рогачев, овоз ёзиш студияси директори А. Н. Иброҳимова ўз вақтида чоралар кўришмаганлиги партия қоралаган юқоридан кўрсатма кутиш одати, номлари келтириб ўтилган авторларнинг сўзлари билан айтиладиган қўшиқлар ёзилган пластинкаларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг олдини олиш учун ўз вақтида чора кўрмасликда айбдор коммунист-раҳбарлари жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармаси, бош универсал магазини, марказий универсал магазин бошланғич партия ташкилотларига ўзини обрўсизлантириб қўйган авторларнинг сўзлари билан айтиладиган қўшиқлар ёзилган грампластинкалар ҳамда компакт-кассеталарни реализация қилишнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўрмаган коммунист-раҳбарлари жавобгарлигини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатига конкрет партиявий баҳо бериш топширилди.

Бюро мажлисида шу йил 21 июнда шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларига, район халқ судлари халқ судьялигига бўлиб ўтган сайлов якунлари кўриб чиқилди.

Бюро партия ишининг, шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Эртага—Совет ёшлари куни

ТОШКЕНТ ТОНГИ

● МАКТАБДАН — КАТТА ҲАЁТГА
● ОТАЛАРИМИЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТДИРИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН
● МАКТАБЛАРНИ 15 МИНГ ЎҚУВЧИ БИТИРДИ

Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйи нишонланадиган бу ўқув йилида мактабларни 15 минг ўғил ва қиз битирди. Катта ҳаётга қадам қўяётган бу ўсмирларга чин дилдан «Оқ йўл» тиланди. Уларни партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, ўқитувчилар ва ота-оналар муборакбод этдилар. Битирувчилар район партия комитетларида қабул қилинди, шаҳримиз майдонлари ва маданият саройларида тантанали йиғилишлар, оммавий сайллар ва «Тошкент тонги» маросими ўтказилди.

Битирувчилар шарафига ташкил этилган байрамлар ҳар бир районда ўзига хос рангбаранг ва жўшқинлик билан ўтди, ёшларнинг ҳаётида бир умр ёдда сақланиб қоладиган бўлди. Шаҳар мактабларини медаллар билан битирган аълочи ўқувчилар кеча эрталаб шаҳримизнинг бош майдони — В. И. Ленин номидаги майдонга марҳамат қилдилар. Байрам қатнашчилари доҳий ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гуллар қўйдилар. «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди». Бу сўзлар битирувчиларнинг қасамёдида мағрур янгради. Улар оталари ишини давом эттиражаклари, КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини, XII беш йиллик планларини ғайрат-шижоат билан амалга оширажаклари ҳақида қасамёд қилдилар.


Октябрь райони мактабларини битирувчилар тўпланган «Пахтакор» стадиони олдидаги кўча жуда ҳам файзли бўлди. Ҳаммаёқ гулларга бурканди, музика, қўшиқлар янграб турди. М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи Ленин райони ўқувчиларини ўз бағрига чорлади. Бу ерда улар турли хил томошаларни кўриб мамнун бўлдилар.

...Кеча барча мактабларда тантанали педагогика кенгашлари бўлиб ўтди. Шаҳарнинг 1, 41, 9, 110 ва бошқа мактабларидаги маросимларда етуклик аттестатлари топширилди.

88-мактабни битирувчилар В. Сорокин, В. Зенин, С. Азизов, Г. Дибер, С. Фоменко Ватан посбонлари бўлажакларини изҳор қилдилар. У. Умаралиева, Н. Ғофурова, И. Чуйкова ва бошқалар мураббий бўлишмоқчи.

Кеча кечаси билан В. И. Ленин номидаги майдон, М. Горький номидаги боғ, авиасозлар, тўқимачилар маданият саройлари ва бошқа тарихий жойлар бахтиёр ўғил-қизларимиз билан файзли бўлди. Улар мактаблари, ўқитувчилари билан самимий хайрлашдилар. Мамлакатимизда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишларида бел боғлаб қатнашиш учун чинакам жўшқин ҳаёт оқимига қўшилишларини изҳор қилдилар.

А. ПЎЛАТОВ.



БАХТИЁР ЕШЛИК. Т. Каримов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

Ҳикматли гаплар

Ажойиб фазилатлар

⊙ Ҳусну-чирой бир кун кетади, яхши одоб бир умрга етади.
⊙ Яхшилик мевали боққа ўхшаб кўп мурувватлар келтиради.
⊙ Тўғри юрган, тўғри сўзлаган, тўғрилик учун курашган одам ҳеч қачон зиён-заҳмат чекмайди.
⊙ Яхши сўзга — аччиқ сўз айтилмайди.
⊙ Кўнгил тўғри бўлса, тил қийналмайди.
⊙ Вафодор ёр — умрнинг роҳати.
⊙ Эзгу ниятли одам офтобга ўхшаб ҳаммага нур-зиё бағишлаб туради.
⊙ Ақл — тилнинг ганобини тортиб турадиган қудратли куч.
⊙ Ҳалол бойлик — ҳаммага чиройлик.
⊙ Мол-дунё тўплашга ҳирс қўйган одам оқибат ҳеч нарсага эга бўлмайди.
⊙ Дили қора одам рўшноликни билмайди.
⊙ Тузалмас дарднинг — аломати, нокаснинг маломати ёмон.
⊙ Яхши ота— уй сарбони,
Яхши она — жон боғбони.

Ҳикоят: Бир донодан сўрашди:

— Яхши одамни нимага қиёс этса бўлади?

Доно айтди:

— Яхши одам гулга ўхшайди. Унинг сўзидан гул бўйи келиб туради: иши ҳам, одоби ҳам, ҳиммати ҳам, муомала-муносабати ҳам, юзи-чеҳраси ҳам гул бўлиб очилиб туради.
⊙ Тоза дилдан ёмон ният чиқмайди.
⊙ Қадрини билган одам бировни қадрсиз қилмайди.
⊙ Ҳар кимнинг бир қобилияти борки, буни кузатган бир доно кекса шундай дебди:

— Ҳар бир касб-корнинг ва юмушнинг ўз устаси ва билимдонлари бўлади. Бир йигит бозор-ўчар қилишга, бир йигит лоф-лофатлар айтиб кулдиришга, яна бири соз чалиб, дилни ром этишга, бошқа бири навниҳол экиб боғ-роғ яратишга, яна бири мол ҳайдаб, подачилик қилишга маҳорат орттиради... Кимда ким ўз ишининг кўзини билиб, ундан тажриба тўплаб борса қобилияти ошаверади-да, эл-юртига ўз касби-коридан кўп фойда етказади.

— Аёлларда энг гўзал фазилат нима? — деб сўрашди доно кексадан.

У айтди:

— Олам — аёллар билан гўзал. Аёлнинг минг бир фазилати борки, уларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Аввало, аёл уйда — она, пазанда, тикувчи, вақти келса шифокор, ўз турмуш ўртоғига ёру-вафодор, саранжом-саришталикда сарбон, катта-кичикка меҳрибон.. Эҳе, аёл фазилатлари, юмушлари жуда кўп. Аёлни ҳаёт чашмаси дейиш керак, у билан тириклик бор.

Абдураҳим УМАРОВ, шифокор.

76 эварали момо

Ўш область Новкат районидаги Энгельс номли колхознинг табиати гўзал, ҳавоси мусаффо Қирғизота қишлоғида ёши улуғ кишилар кўпчилик. Шулардан бири Тожигул момо Матқўзиевадир.

Яқинда Тожигул момонинг ҳамқишлоқлари унинг 101 ёшга тўлишини нишонладилар. Бу кун айниқса, момонинг 7 ўғил-қизи, 31 невараси, 89 чевараси ва 76 эвараси учун жуда қувончли бўлди.

М. БОҚИЕВ, Қирғизистон ССР.

Ер остида кутубхона

Ер майдонининг қимматлашиб бораётгани туфайли йирик шаҳарларда меъморлар одатдан ташқари янги-янги усулларни қўллашга мажбур бўлмоқдалар. Америка университетларининг бирида кутубхона ер остига қурилган. Бинонинг деразалари йўқлиги сабабли у ойнаванд том орқали ёритилади.

Яшил дорихона

Лазер ёрдамга келди

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори сув хўжалиги қурилишида ҳам илмий-техникавий ривожланишни жадаллаштириш йўлидан бориляпти. Қурилиш ташкилотларида самара берувчи машиналар, механизмларнинг техник ҳолати такомиллаштирилмоқда. Лазер нури халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Унинг имкониятларидан сув хўжалиги қурувчилари ҳам фойдаланмоқдалар. Айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ишлатиладиган скреперларни автоматик равишда бошқаришда «Саул—1» лазерининг кўмаги беқиёсдир. Нурнинг ёрдами билан машина пўлат тишларини бошқариш осонлашади. «Саул—1» системаси Тошкент областининг экинзорлари мелиоратив ҳолатини яхшилашда синовдан ўтказилди. Уни мутахассислар юқори баҳоладилар. Эндиликда республикамизнинг ўзлаштирилаётган районларида нурдан кенг миқёсда фойдаланиш имконияти туғилди.

Ю. КОВАЧ.

Нақ капалакка ўхшайди

Халқимиз гул-чечаклар шайдоси, кафтдек жой бўлса унга гул экиб яшнатмай қўймайди. Ўзи мурғаккина, бироқ киши дилига баҳра улашадиган чечаклардан бири капалакгул бўлиб, унинг серхосият тарафлари қадим замонлардан бери маълум.

Капалакгул (баъзида у фаранг бинафша деб ҳам аталади) бинафшалар туркумига мансуб бир йиллик ва икки йиллик ўсимлик. Шохчалари майин тукли, уч қиррали, бир оз тарвақайлаб, аксарият ер бағирлаб ўсади. Остки барглари юраксимон-тухумсимон, юқоридагилари эса наштарсимон кўринишга эга бўлади. Чечакининг гултожи бешта гулбаргдан ташкил топган бўлиб, турли рангли: уст гулбарглари феруза-бинафшаранг, ёндагилари паришон-очроқ, тагидаги эса заъфарон-сариқ рангни касб этган бўлиши мумкин.

Капалакгул бутун ёз бўйи ўзининг камалакдан нусха олган гулларини намойиш қилиб, ял-ял кўринишни билан ажралиб туради.

Халқ табобати амалиётида капалакгул ўти (шохчалари, барглари, гули) чой, дамлама, қайнатма кўринишида бир қатор хасталикларнинг давоси сифатида қўлланиб келинади. Жумладан, у йўтал қолдирувчи, буйракка ором берувчи, пешоб ҳайдовчи, яллиғланишга қарши, турли тери касалликларига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида, ширинча давоси бўлиб хизмат қилади.

Болгарияда капалакгул препаратлари терлатувчи, бод, белангида, кўкрак юмшатувчи омил сифатида истеъмол қилиниб, ташқи муолажа сифатида мичал, гуш, қўтирда фойдаланилади.

Капалакгул ўз таркибида бир қатор шифобахш омилларни сақлайди. Ўсимлик маҳсулотида каротин, С витамини, ифор мойлари, сапонинлар, антоциан гликозидлари ва бошқа керакли моддалар жо бўлган.

Капалакгулдан доривор маҳсулот тайёрлаб қўйиш учун, у айни гуллаган вақтида ўриб олиниб, шаббода ўтиб турадиган соя ёки пана жойларда қуритилади-да, қоғоз халтачаларга солиниб, кемирувчи ва ҳашаротлардан холи бўлган жойларда сақланади.

Гўзаллик шайдоси бўлмиш соҳибкорлар капалакгулнинг янги-янги турларини яратишмоқда. Улар нафақат уй, ҳовли, боғчаларни безатибгина қолмай, балки муассаса ва хўжаликлардаги гулзорларни янада кўркам ва дилрабо бўлишига ёрдам беради. Капалакгул ўта беор гиёҳ бўлиб, у унчалик ер-тупроқ талаб этмайди, ҳавол тупроқли, қуёш нурига тўкин бўлган жойларда намлик етарлича бўлса ўсимликка пором келади. Капалакгулни кўпқаватли иморат томчаларида, ҳавоза айвон-балконларда махсус қутиларда ҳам ўстириб, ундан завқ олиш мумкин.

Доривор ўсимликлар билан таъминлайдиган аптека бисотида капалакгул маҳсулотлари мавжуд бўлиб, уларнинг қадоқланган бежирим қутиларида фойдаланиш йўллари кўрсатилган бўлади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

Сувга сезгир

Мўғул геологларидан бири фавқулодда сувни сезиш қобилиятига эга. У ўзи яшаётган вилоятда йигирма йил давомида саккиз юздан ортиқ ер ости сув манбаларини аниқлаб берди.

Ғаройиб ҳисоб

Бирманинг Мьея оролида яшовчилар вақт ўтиши билан кексайиш ўрнига, ёшариб боradилар. Бу ерда амал қилаётган анъанага кўра, янги туғилган чақалоққа олтмиш ёш берилади ва йилма-йил унинг ёши камайиб боради. «Ноль» ёшга етган кишига навбатдаги ўн ёш қўшиб қўйилади. Бу ерда «кекса» сўзи — «Уч бор туғилган» сифатида жаранглайди.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.

Бувижон, ўқиб беринг

ПИЛЛАМИЗ
Еп-ёруғ,
Хонамиз
Ипак қурт
боқамиз.
Яроқ еб —
Қувонар.
Шойига
айланар.
Пилладан
Илми бор.
Пиллакор
онамиз
Ҳурматин
биламиз.
Меҳнатин
қиламиз.
Юртимиз
бойлиги
Пилламиз —
Тилламиз!

ДАНГАСА
Укам Башар
учдан ошар...
Дангаса у
Сўрғич сўрар.
Тағин айтар:
— Мени кўтар!

Анвар МИРЗАЕВ.

Хушхабарлар

● Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи хорижий мамлакатларга маҳсулот етказиб беришни кенгайтирмоқда. Корхона тарихида биринчи марта Хитой Халқ Республикаси учун 40 тоннали гидравлик пресслар тайёрлаш бошланди. Бу маҳсулот чет элларда кўплаб харид қилинмоқда. Прессларни ГДР, Монголия, Миср, Эфиопия, жами 15 мамлакат фирмалари сотиб олмоқда.

● «Компрессор» заводи цехларида рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ишлай бошлади. Механика цехида — энг кўп меҳнат талаб қиладиган участкалардан бири — кўп ишлатиладиган деталлар цехида бир неча юксак унумли агрегат ўрнатилди. Янги машина-ускуналар буюмларни аниқ тайёрлаб, меҳнат сарфини камайтиришдан ташқари, ўндан ортиқ ишчини бу қийин ишлардан ҳоли этиш имконини берди. Электроника ўрнатилган станоклар иттифоқ ички бозорига ва чет элга юборилади. Турли компрессор станциялари учун деталлар тайёрлашда икки смена ишламоқда. Заводда янги техника туфайли ўнлаб эски машина-ускуналар ҳисобдан чиқариб ташланди.



Дала меҳнатчиларига етказиб берилаётган терим агрегатларининг мукаммаллигини таъминлаш, қувватини ошириш борасидаги изланишлар «Ташсельмаш» заводида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилганидан сўнг айниқса жиддий тус олди. Янги хизмат органи вакиллари барча деталь ва механизмларни стандарт талабларига мувофиқлаштириш учун куч-ғайратларини аяшмаяпти. Барча цех ва ишлаб чиқариш участкаларида янги тартиб ўз кучини кўрсатаётир.

СУРАТДА: завод давлат қабули органи вакиллари Ю. Севостьянов ва Г. Волошин 6-цех ишчилари тайёрлаган деталларни «чиғириқ»дан ўтказишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Социализм мамлакатларида

⊙ БЕРЛИН.

Гребернь карьерида (ГДР, Галле округи) музлик даври ораси замонларига (бундан тахминан 100 минг йил аввал) тааллуқли топилма шов-шувга сабаб бўлди. Экскаватор олти метр чуқурликда каттакон суякларнинг қолдиқларини топди. Суяк чиққан жойга етиб келган археологлар у фил суяги эканлигини аниқладилар, деб хабар беради бугун «Юнге вельт» газетаси. Дарҳол бошлаб юборилган қазилмалар натижасида скелет тўлатўкис сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Бу фил ҳозирги филлардан аввало катталиги билан фарқ қилади, унинг бўйи беш метр бўлган.

Мутахассислар фил суяклари топилган жой илгари неандерталлар макони бўлган, деб ҳисобламоқдалар. Скелет ёнидан 12 та ибтидоий тош қуроллар топилди. Бу қуроллар фил ўлдирилган деган хулоса чиқаришга имкон беради.

⊙ БРАТИСЛАВА.

Гунглар учун тузилган ишорат тили луғати Словакия педагогика нашриётининг йиллик мукофотини олди. У республикада шу турдаги биринчи луғатдир. Луғатни дефектологлар ва тилшунослардан иборат авторлар коллективи тузди. Улар миллионта сўздан энг кўп ишлатиладиган етти юзта сўзни танлаб олдилар. Бу асар аниқ тадқиқотлар асосида тузилган биринчи шундай қўлланма бўлиб қолди. Луғатда энг муҳим ишоратларни тушунтирувчи сўзлар ва расмлар баёни билан алифбо тартибида берилган.

⊙ СОФИЯ.

Софиялик медиклар суяк касалликлари ва яраларни даволаш учун принципиал жиҳатдан янги препаратлар яратдилар. Маълумки, катта ёшдаги одамдан ажратиб олинган суяк тикланмайди. «Оссакол» препарати бу гапни рад этади. Янги дори операциянинг мураккаблиги ва беморнинг ёшига қараб, суяк моддани икки-уч ой ичида тиклайди.

Бошқа бир янгилик — «хемостоп» биологик парда ҳосил қилиб, меъда ва ўн икки бармоқли ичакдаги қон кетишини 20—30 секундда тўхтатади.

«Янги препаратлар ҳайвон қонидан олинувчи маҳсулотлар асосида яратилди, — дейди унинг авторларидан бири хирург Стефан Мечкарский. — Медицинада бунақанги дорилар ҳали бўлмаган эди. Янгилик клиник синовлардан яхши ўтди. Чет эллардаги қирқтадан кўп фирма бизга мурожаат этиб, ҳамкорлик қилиш ва дори намуналарини юборишни сўради».

⊙ БУДАПЕШТ

МТИ агентлигининг хабар қилишича, ВСИП Марказий комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Пленум К. Неметни ВСИП Бош секретарининг ўринбосари вазифасидан озод қилди. Д. Лазар ВСИП Бош секретарининг ўринбосари этиб сайланди.


П. Лошонци ва И. Шарлош ВСИП Марказий комитети сиёсий бюросининг аъзолари лавозимидан озод этилди. Ф. Хаваши ва И. Хорват бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан ВСИП Марказий комитетининг секретарлари вазифасидан озод қилинди.

Я. Берец ва Ю. Чехак ВСИП Марказий комитети сиёсий бюросининг аъзолари қилиб, Д. Фейти, Я. Лукач ва М. Немет ВСИП Марказий комитетининг секретарлари этиб сайланди.

ВХР давлат мажлисининг бу ерда очилган сессиясида ВСИП Марказий комитети билан Умумвенгрия ватан халқ фронти кенгаши Президиумининг кадрлар масалаларига оид тавсияларни қабул этилди.

П. Лошонци пенсияга чиқиши муносабати билан ВХР президиумининг раиси вазифасидан озод қилинди.

ВСИП Бош секретарининг ўринбосари этиб сайланган Д. Лазар ВХР министрлар Советининг раиси вазифасидан озод қилинди.



Парижда енгил автомобиллар кўргазмаси ишлаб турибти. Автомобилларнинг қиёфасини яратувчи дизайнерлар яқин келгусида шаҳарларнинг кўчаларида ғаройиб машиналарнинг юришини ҳам орзу қилмоқдалар. Ана шундай машиналарнинг айримлари кўргазмада намойишга қўйилган. «Автокроват» (суратда) ва «Рояль» деб номланган янги қиёфали машиналар томошабинларнинг диққатини жалб этмоқда.

Ана шу машиналарнинг муаллифлари бўлғуси ҳаваскор ҳайдовчиларга тўла эркинлик бериш ниятидалар.

(АФП—ТАСС фотоси).

Яйлов ҳикоялари

Кийик ови

Биз бобомиз билан неча бор овга бормайлик, қуруқ қайтардик. Кийик бобомнинг тўрига илиниши у ёқда турсин, кўзга ташланмасди. Бизга кийик боласи тутиб беришни ваъда қилган бобом ваъдасининг устидан чиқиш учун бўлса керак, эринмай бизни кун ора овга бошлар эдилар.

— Чирофларим, бугун кўнгилсиз қайтмаслигимизни юрагим сезиб турибди! — дедилар бобом навбатдаги сафар олдидан.

Биз суюндик. Учаламиз йўлга тушдик. Ўзимиз билан Абрни, Ғирғирни (бобом қирғийга шундай ном қўйган эканлар), итларни олиб жўнадик. Жилға, қирлардан ошиб боряпмиз. Ҳеч нима йўлимаяпти. Бобомлар «Кўзи ўткир — у ҳам қидирар» дедилар шекилли, Абрнинг ҳам ниқобини олдилар. Ҳаммамиз аланг-жалангмиз. Ўнг томон ҳам, чап томон ҳам тоғ. Пастда булоқ, сой, ўтлоқ. Ўтлоқдан тоғ томонга кетган ҳар хил дарахтлар: кўм-кўк арчалар, кумуш-ранг писталар, олтиндек товланган чирғаноқлар, қўкка бўй чўзган ёнғоқларнинг ҳуш манзараси жуда ҳам ёқимли.

Шамол, Топқир деган този ва исковуч итлар атрофимизда у ёқдан-бу ёққа югуриб юришибди. Бирдан Абр талпина бошлади. Бобом қўйиб юбордилар. Биз унинг ортидан ажабланиб қараб қолдик-да, ҳеч нарсани кўрмадик. Абр дарахтлар орасига шўнғиб кетди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, чангалида бир қўённи кўтариб қайтиб келди. Бобом қўённи олиши билан Абр цирк қушидек дарҳол қўнғирғоғига қўнди.

Биз юқориладик. Абр яна қанот қоқа бошлади. Лекин бобом уни бўшатмадилар, аксинча ниқобини кийгизиб қўйдилар-да, милтиқни елкадан олиб, узоқни мўлжаладилар. «Неъматжон, бугун ваъда бажарилади шекилли» деб отишга ҳозирландилар. Биз чўққида мағрур турган кийикни кўрдик. Кийик ерга энгашиб, ниманидир ялай бошлади.

— Э, аттанг! Болаларни ёш экан-ку! — деб ачиндилар отишга ҳозирланган бобом. Яна менга қараб сўрадилар: — Бир эмас, икки ёш боласи бор экан. Нима қилдик, Неъматжон?

— Отманг, бобожон! — дедим мен кийиклардан кўз узмай.

— Яхши, отмаймиз, чирофим! Болаларини катта қилсин. Сутдан чиқишганда Абр битта боласини ушлаб келади.

Шу пайт тепамизда каклик-ларнинг кетма-кет сайраган эшитилди.

— Маҳмуджон, Ғирғирни тайёрла! — дедилар бобом тепага тикилар эканлар. Маҳмуджон қирғийнинг ипи билан оёғидаги қўнғироғини бўшатди. Қирғий каклик овозига аланг-жаланг бўлиб қанот қоқа бошлади. Бобо осмонга қарата ўқ узди. Бирдан беш-олтита каклик осмонга кўтарилди. Осмонга парвоз қилган Ғирғир бир зумда какликларга етиб олиб, бирини ерга босиб тушди. Маҳмуджон отда чопиб бориб, каклик билан қирғийни олиб келди.

Биз олдинга юрдик. Аммо қанча юрмайлик дурустроқ ҳеч нарса учратмадик. Тўр қўйилган булоқ бўйига тушдик. Ҳеч нарса илинмабди. Абр талпина бошлади. Бобом ҳеч нарсага ҳайрон бўлмадилар. Абрни ишга соламиз.

Маҳмуджон кулиб менга, мен унга қарадим. «Ишонавер» дегандек у кўз қисди. Негаки, бобом қўлларидан келмайдиган ваъдани ҳеч қачон бермаган эканлар.

Ёқубжон ШУҚУРОВ



Тошкент областининг Оржоникидзе районидаги 25-мактаб қошида ташкил этилган «Гулхан» пионер лагери шу кунларда айниқса гавжум. Бу ерда пионер ва ўқувчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Лагерда турли тўгараклар ишлаб турибди.

СУРАТДА: Дилфуза Норинбоева китобсеварлар тўгарагининг навбатдаги машғулотини олиб бормоқда.

Р. Шарипов фотоси.

Анатоль ФРАНС,
француз ёзувчиси.

Фаншонанинг нонуштаси

(Шингил ҳикоя)

Бир куни эрталаб Фаншона бувисини кўргани борди. Бувисининг чиройли боғида кўм-кўк майсалар ўсиб, турли-туман гуллар очилиб ётарди. Қушлар дарахтдан-дарахтга қўниб ёқимли сайрашарди. Шунинг учун ҳам Фаншона бувисининг боғини «дунёдаги энг гўзал боғлардан бири», деб ўйларди.

— Менинг эркатойим, — деди бувиси Фаншонага, — мана нон, сариёғ, яхна гўшт ва олмадан олиб боққа чиқиб нонушта қилақол. Сочиқ ва пичоқни олишни ҳам унутма, қўзичоғим.

Мана, Фаншона боғда. У майсалар устига ўтириб, тиззасига сочиқни қўйиб овқатлана бошлади. Аввал, у олмани еди. Кейин нонни қўлига олиб энди емоқчи бўлган эди, атрофида бир кичик қушча учa бошлади. Орадан бир минут ўтгач, унинг атрофида уч, тўрт, беш... қушчалар сони орта бошлади. Бир оз ўтгач, улар кўпайишиб, ўн, йигирма ва ўттизтага етди...

Фаншона уларга қаради. Оқ, сариқ, қизил, кўк, ҳаво ранг, ҳар хил қушлар Фаншонанинг атрофида айланиб учишарди. Улар жуда чиройли, ҳаммаси чуғир-чуғир қилиб «қўшиқ» айтишарди.

Аввалига Фаншона бу ҳолга тушунмади. Кейин буни у тезда пайқади. «Қушлар нон сўрашаётган бўлсалар керак», — деб уларга нон бўлакчаларини ота бошлади. Нон бўлаклари (увоқлари) сира ерга тушмасди. Уларни ҳавода қушлар илиб олиб, тез еб қўйишарди. Фаншона жуда рақмдил, кўнгилчанг қиз эди. Шунинг учун Фаншона ўзига ҳеч нон қолдирмади. Ҳаммасини кичик «қўшиқчи»ларга берибди. Фаншона гўштнинг ўзини қуруқ, нонсиз еб, бувисининг уйидан жуда хурсанд бўлиб қайтди...

Французчадан Сайдиғани МУСАЕВ таржимаси.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

— Нега бунча ғамгинсиз, қўшнижон?

— Аҳвол оғир, бешта қизим бор, битта ҳам куёвим йўқ.

— Шуни ҳам оғир дейсизми, мана мени олиб қаранг, қизим битта-ю, бешта куёвим бор.

* * *

Хотин эрига дашном бера бошлади:

— Дуч келган кишига спиртли ичимликлар ичиш зарарли эканлигини уқтиравсан-у, ўзинг доимо тўйиб оласан, тутуриқ борми сенда ўзи?

— Аччиғланма, хотинжон, — деди эр, — яхши одам доимо ўзгаларнинг фойдасини кўзлаб иш қилиши керак.

* * *

Кўричагини кестириб ташлаган бемор деди:

— Хайрият, операциядан эсон-омон чиқдим. Жуда қўрқиб юргандим.

— Ҳурсанд бўлишга шошилманг, — деди беморлардан бири, — операция пайтида улар менинг қорнимда қайчисини унутиб қолдиришган экан, қайта операция қилиб олишди.

— Менинг қорнимда эса, — деди бошқа бир бемор, — катта бир шприц билан пинцет қолиб кетган экан.

Шу пайт коридорда доктор-нинг овози эшитилди:

— Ҳамшира, менинг калишларимни кўрмадингизми?

* * *

— Сизни рақсга таклиф этсам бўладими, жонон қиз?

— Бахтга қаршн мен жонон қиз эмасман, аллақачон турмушга чиққанман.

— Ҳеч қиси йўқ. Мен ҳам уйланганман, бахтга қаршн.

* * *

Ресторанга ит етаклаб келган бир хўранда колбаса келтиришларини буюрди. Официант ликобчани столга қўяётганда колбаса сирғалиб ерга тушиб кетди. Ит унга ташланди. Хўранда қичқириб юборди.

— Вой, колбаса тушиб кетди-ку, энди нима қилдик?

— Қўрқманг жаноб, итингиз уни ололмайди, — тинчлантирди уни официант, — мен колбасани оёғим билан босиб турибман.

* * *

— Эшитишимча, уйланган эмишсан. Қалай, хотининг тузуккинами?

— Ҳа, яхши, у худди фотографга ўхшайди.

— Тушунолмадим, нега ундай дейсан?

— Нимаси тушунарсиз бунинг? Хотиним олдида мен доимо тиржайиб, миқ этмай ўтиришим керак.

Немис тилидан
Йўлдош ПАРДАЕВ
таржимаси.

Насрий масаллар

БИР ОНАНИНГ БЕШ ФАРЗАНДИ

— Ҳой, беш фарзандим — беш Қитъа! Ҳормангиз, қалайсизлар, тинчмисизлар? — деб нидо қилди Она-Ер.

— Раҳмат, ҳозирча тинчмиз, — деб жавоб қилишди Қитъалар.

— Тинч-тотув яшанглар, бир-бирларингиз билан талашманглар, зинҳор-базинҳор урушманглар! Ўт балосидан, сув балосидан асрасин...—деб тилак тилади Она-Ер.

Ҳамма бу тилакка қўшилди.

ОШПИЧОҚ БИЛАН ХАНЖАР

— Не-не ғанимларнинг адабини берганман, — деди Ханжар.

— Не-не дўстларни тўйғазганман, — деди Ошпичоқ.

УРУШ ВА ТИНЧЛИК

— Чанқадим, қон ичгим келаяпти, — деди Уруш.

— Бу ваҳшийлигингни ташла, ма, бир пиёла сут ича қол, — деди унга Тинчлик.

ГУГУРТЛАР

— Гугуртлар, қизишманглар, ўз жойларингизда жим кутиб туринглар, керак бўлганда ўзимиз чақирамиз, — дейишди Гугуртларга.

Ҳа, шундай бўлди. Навбатлари келганда фидокор Гугуртлар ўз жонларини қурбон қилиб гулханларни, машъалларни, мангу оловларни ёқиб кетишди.

ҚУЛТИҚТАЁҚЛАР

— Тақ-туқ, тақ-туқ, тақ-туқ...
— Сизлар оёқмисизлар?
— Ҳа-йўқ, ҳа-йўқ, ҳа-йўқ...

ИККИ МАЙМУН СУҲБАТИ

— Бизни одамзоднинг авлоди дейишади, шу гап ростми? — деди ёшроқ Маймун қарисидан.

— Билмадим. Лекин одамзод шу алфозда кетаверса, яна биз аждод бўлиб қоламиз шекилли, — деди кўпни кўрган Маймун қулоғини қашиб.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ИКИР-ЧИКИР ГАПЛАР

◆ Ким агар қозони билан ошни ўғирлаган бўлса, ошини олсину, лекин қозонини эртага газ плитасининг устига қўйиб кетсин. Мукофоти учун бир қозон шолғом шўрва.

(Ётоқхона ошхонасидаги эълондан).

◆ АСУ — Адашган студентлар уюшмаси.

(Чизма доскасидаги ёзувдан).

◆ Ким агар чизмани олган бўлса кўчириб бўлгандан сўнг, қоровулга адресини айтиб ташлаб кетсин.

(Студентлар ётоқхонасидаги эълон).

А. САМИҒОВ,
Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси.

ТАННОЗ КЕЛИН ТАВБАСИ

Кечки овқатдан кейин дастурхонни йиғиштираётган Анзират хола ўғлига яна гина-шикоят билан гап бошлади:

— Болажоним, ўзинг ўйла, дадангнинг ҳам тишлари тушиб, юзларини ажин босди... Менику кундан-кунга тинка-мадорим қуриб бораяпти. Баъзан овқат пиширишга ҳам малоллик қиляпти. Токайгача қўлим косов, сочим супурги бўлади. Мен ҳам оналарга ўхшаб дока рўмолнинг у учини бу елкамга, бу учини у елкамга ташлаб, Баҳодиримнинг ўғли деб, неварамни етаклаб юрсам, деб ният қиламан.

— Юмушдан қўлингиз бўшади дегунча тўйдан гап очасиз, ойи, уйланмайман дедимми — уйланмайман.

— Ҳадеб онангнинг оғзига ураверма, оғримни енгил қилармикан деб не-не умидлар билан сенларни катта қилди... Қачонгача кирингни ювиб, дазмолингни босади, — деди Одил ота чўрт кесиб.

Анзират хола жанжал чиқиб кетмасин деб, ётиғи билан гапирди:

— Кўз остига олганинг бўлса айт. Бўлмаса холангнинг қизи, Ойдин аммангнинг қизи, қўшнимизнинг қизи ҳам етишиб турибди. Бир оғиз сўрасак йўқ дейишмасди. Қурғурлар бири-биридан ширин, меҳнатсевар, уйим-жойим дейдиганлардан...

— Қариндошдан уйланмайман... Қўшнилар-нинг қизини хаёлингизга келтирманг.

Анзират холанинг чеҳраси ёришиб сўради:

— Битта-яримта қулоғини тишлаганинг бўлса айт, опанг билан совчиликка борайлик. Жон болам, одамни бунақа қийнамагин. Танлаганинг борми?

— Бор, — деб юборди тўсатдан Баҳодир. — Танлаганим бор...

— Ана, гап буёқда экан, — деди Одил ота мўйловини бураб. — Тезроқ совчиликка бор, яна айниб қолмасин...

Дам олиш куни Баҳодир онаси билан опасини ўртоғининг машинасида қизнинг уйига олиб борди-да, ўзи ўрикзорда машинани тузатаётган кишидек у ёқ-бу ёғига қараб турди. Қиз уйда экан, совчиларни ийманиб, айланиб-ўргилиб кутиб олди. Бегона хотинларни кўрган бўлажак қуда уларга пешвоз чиқиб, уйга таклиф этди... Хуллас шу куниёқ хотин қудалар гапини бир жойга қўйиб қайтишди.

Саратон ўрталарида тўй ўтди. Бир ярим ҳафта ўтгач келинпошша ишга тушиб кетди. Эрталаб уйдан чиқишда, кечқурун ишдан қайтишида келиннинг саломини пойлайди қайнона. Қизиқ, у ҳушига келса калтагина қилиб, ўшшайганча салом дейди. Бўлмаса йўқ...

Қайнона келиннинг феъл-атворини кўриб қийналди. Уни йўлга солиш учун кўп уринди. У охири кишилар билан муомала қилишда, саломни канда қилмасликда ҳикмат катталигини насиҳат қилмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди: «Тушундим, менинг эс-ҳушим жойида, насиҳатингизни ўқимаган, саводсиз, фаҳми калталарга қилинг», — деб гапни тугатди-да, ўрнидан туриб кетди. Анзират хола келиннинг орқасидан қараганча ютинib қўя қолди.

Кеч бўлди. Қайнота ишдан келди. Тўлиб турган Анзират хола чолига бобиллаб ичини бўшатиб олди.

— Эй онаси, шунгаям хафа бўласанми, бунинг йўли осон. Эрталаб бир иш қиламиз: сен ҳовли супурасан, мен тепангда турибман чарчадинг, дамингни ол, буёғини мен супурай дейман. Сен унамайсан. Шунда келиннинг нима деркин?.. Кейин бир нарса дейман, тушундингми, — деди Одил ота хотинининг кифтига қоқиб.

Тонг отди. Эр-хотин келишувга биноан ҳовли айланиб юришди. Келин уй пардасини кўтарди:

— Онаси, келиннинг турди, санъатингни кўрсат, — деди.

Анзират хола ҳовлини супура бошлади. Келин уйдан чиқиб эринибгина самога қараб ҳомуза тортди. Бирдан кўзи, онаси чарчадинг, супургини менга бер, буёғини ўзим қиламан, деб тихирлик қилаётган қайнотасига тушди. Анзират хола эса, озгина супурай, кейин сиз оласиз, дейди. Мияси айниган чол-кампирлар нима қиляпти деб айвонининг остонасидан туриб:

— Папаша, мамаша, талашманглар, аҳиллик билан иш тутинглар ахир, галмагалдан супурсанглар олам гулистон. Асаб ҳам бузилмайди. Агар супурги етишмаётган бўлса ишдан қайтишда магазиндан ола келаман. Шунга шунчаликми, эй менинг туламаган папаша-мамашаларим, — деб айвонга қўйилган тошойнага қараб сочини турмаклай бошлади. Чоли-кампир мийиғларида кулиб қўйишди.

— Келинпошша, чой қайнаб турибди, дамласангиз ичиб кетасиз, — деди Анзират хола.

— Баҳодир турсинлар, кейин, — деб яна ойнага қараб пардоз қилаверди.

— Инсофини сўра онаси, инсофини, — деди Одил ота пичирлаб.

— Кимнинг инсофини сўраяпсиз, меннми? — деди келин бидирлаб. — Инсоф нима, бор нарсами ёки диндорлар ўйлаб чиқарганми? Биз уйда ҳафтанинг шанба кунлари оиламиз билан ресторанда битта столни зайнит қилиб, маданий ҳордиқ чиқарардик. Бу ерда-чи, ҳовли супуриш, овқат қилиш, кир ювишдан бошқа гап йўқ. Эсиз-эсиз ўтган кунларим. Ўзимга эмас, зое кетган умримга ачинаман. Икки дунёда ҳам бу уйнинг шароитига қўниколмайман, уйимга кетаман...

Келин ўз оғзидан илинганига ҳурсанд бўлган қайнонанинг кўнгли ёришиб кетди.

— Ихтиёрингиз болам, биз йўлингизни тўсолмаймиз. Баҳодир билан келишиб, билганингизни қилинг.

— Аллақачон келишиб қўйганмиз. Бугун десангиз бугун, эрта десангиз эртага кўчишга тайёрмиз.

— Қаерда бўлсангизлар соғ бўлинглар, мен розиман, — деди Одил ота ўзини босиб.

Қайнонанинг хаёли қочиб, ҳовлининг ўртасига ўтириб қолди. Кўзидан мўлт-мўлт ёш оқди. Гапиришга чоғланса, аъзойи-бадани титраб, тили айланмайди, «бўйинг чўзилгурнинг уйланмай юргани яхши эмасмиди», деб кўнглидан ўтказиб аламини кўз ёшидан олиб, ер чизади. Кечқурун Баҳодир юк машинаси олиб келиб кўч-кўронларини ортди. Отага илтижоли кўзларини тикиб, оқ йўл сўради. Одил ота титроқ овозда:

— Қўша қаринглар, доғларингни кўрмай, орқамда қолларинг, — деди-ю, ҳўнграб юборди.

Хонадондан файз кўтарилди. Эр-хотин шўппайиб қолишди. Анзират хола бу мусибатни кўтаролмай ётиб қолди. Одил ота ишга кетганда Баҳодир келармикан, деб тиқ этса эшикка қарайди. Ундан дарак йўқ. Майли, қаерда бўлса ҳам тани-жони соғ бўлсин, «кўрада кўрсам, қорним тўқ», деб ўзига-ўзи тасалли беради.

Инсон боласи борки, ҳамма нарсага кўникади. Кўникмай илож қанча. Анзират хола ҳам тақдирга тан бериб, тап босди учун қизининг боласини олиб келди. Шу билан андармон бўлиб куннинг ўтганини билмасди.

Байрам куни Анзират холанинг уйига қизлари болалари билан келишади. Уй тўс-тўполон, қий-чув. Айниқса Тоҳир билан Заҳриддиннинг тўполони оламни бузади, бир зумда уришади, бир зумда ярашади. Тоҳирнинг қичқиришини айтмайсизми, етти қўшни овозини эшитади. Дўқ қилсангиз: «Мен опоқ, Жайхиддин ботаптинни (велосипед демоқчи), олиб қўйди», деб ўзини оқлайди. Зум ўтмай яна жанжал. Болаларнинг чувир-чувиридан Одил отанинг боши айланди. Невараларини бирмабир бағрига босиб, тўполон қилмай ўтиринглар, мен ҳозир «оҳ» олиб келаман деб кетаётган эди, эшикдан Баҳодир билан келин боласини кўтариб, гуноҳкор одамдек бошларини қуйи солиб кириб келишаяпти. Анзират хола ўғлини, келинини кўриши билан ичидан қийқириқ келди. Юзига қон югурди. Ўрнидан туриб набирасини бағрига босиб, икки юзидан «чўпп-чўпп» ўпмоқчи эди, кўкрагида муштдек нарса пайдо бўлиб ўтирган еридан қўзғалолмади.

—Бизни кечиринг, ойижонисн, энди кетмайдиган бўлиб келдик. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари экан. Тавбамизга таяндик, туққан одамнинг даккиси, овсинларим, сингилларимнинг турткисини еб ўша уйнинг эркаси бўлганимдан, шу уйнинг чўриси бўлай, — деб қизалоғини қайнонасининг қўлига тутқазди.

Анзират хола неварасини бағрига босиб: «Бурни, юз келбати, қорачалиги, қошлари Баҳодирнинг ўзи-я, вой қудратингдан», — деб болани бағрига босганича тўпкасини тутолмади.

— Қиз отасига ўхшаса бахтли бўлади, — деди Одил ота.

— Ризқи-насибали бўлсин, қўша қариб, бахтли бўлинглар, болаларингнинг роҳатини кўринглар, — деди кўзидаги ёш билан Анзират хола.

Эр-хотин зимдан бир-бирларига кўз югуртиришди.

Одил оталар хонадонига қайта файз кирди, чақалоқнинг «инга»си ён қўшниларга эшитилди, келинпошша ассалому алайкумнинг қадрига етиб, қайнота, қайнонасининг ҳурматини жойига қўядиган бўлди.

Зиёвиддин ОРИПОВ.

Машҳур кишилар ҳаётидан

ШЛЯПА ҲЎЛ БЎЛСА

Альберт Эйнштейн меҳмондорчиликдан қайтай деб турганида ёмғир шаррос қуйиб кетди. Мезбон хайрлашар экан, кийиб кетинг, деб унга ўз шляпасини тутқазди.

— Нима ҳожати бор? — деди Эйнштейн ҳайратланиб. — Мен ёмғир бўлишини билa туриб, атайин шляпа киймай келгандим. Чунки шляпа менинг сочимга нисбатан кечроқ қурийди-да.

БИР ХИЛ МУНОСАБАТ

Эйнштейн донғи оламга таралган бўлса-да, оддий ҳаёт кечирар, доим камтарин ва ҳушмуомала эди. Ундан одамларга муомаласи ҳақида сўрашганда, шундай жавоб қилди:

— Мен ҳаммага — фаррошга ҳам, университет ректорига ҳам бирдек муносабатда бўламан.

Олимнинг ана шундай фазилатига ҳамма ҳавас қилар эди.

БУЮК ОДАМ

Альберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг фильмларини мириқиб томоша қилар ва у яратган қаҳрамонларга меҳр қўярди. Бир куни Чаплинга шундай хат йўллади:

— Сизнинг «Олтин васвасаси» фильмингиз ҳаммага тушунарли. Сиз албатта буюк одам бўласиз. Эйнштейн.

Унга Чаплин шундай жавоб қилди:

— Мен эса Сиз билан янада кўпроқ фахрланаман. Зеро, Сизнинг нисбийлик назариянгизни оламда ҳеч ким тушунмайди-ю, аммо, барибир буюк одам бўлдингиз. Чаплин.

«МЕН ЎЗ ВАЗИФАМНИ БАЖАРДИМ»

Эйнштейн ўзининг бутун ҳаётини фан билан боғлиқ ҳолда тушунгани учун, бутун тақдирини, ҳатто ўлимини ҳам унга бағишлаганди. У бир куни машҳур пояк олими, профессор Леопольд Инфельдга шундай деган эди:

«Агар биров менга уч соатдан кейин ўласан деса, мен бундан асло чўчимаган бўлардим. Мен энг аввал мана шу уч соатдан қандай қилиб унумли фойдаланиб қолиш мумкин, деб ўйлардим, сўнгра ёзганларимни йиғиштириб қўйиб, ўлиш учун хотиржам ётардим».

Чиндан ҳам шундай бўлди. Олим ўлимидан бир неча кун олдин ўтган ҳаётига заррача ачинмай, пушаймон қилмасдан бундай деди: «Мен ўз вазифамни бажардим».

Т. АШРАФХОНОВ
тайёрлаган.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ НЬЮ-ЙОРК. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш, мана шу регион устида пайдо бўлган ҳарбий хавфни тугатиш учун халқаро ҳамжамият қатъий чораларини кўриши керак, дейишмоқда БМТнинг Ҳинд океани бўйича махсус комитети навбатдаги сессиясида бугун бошланган мунозараларнинг қатнашчилари. Уларнинг фикрича, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисида халқаро битимни ишлаб чиқишга бағишланган конференциянинг ўтказилиши ана шундай чоралардан бўлиши мумкин. Делегатлар бундай муҳим халқаро анжуманни ўтказишни пайсалга солиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини таъкидламоқдалар. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш юзасидан халқаро битимни ишлаб чиқишга бағишлаб 1988 йилда. конференция ўтказиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси Шри Ланка пойтахтида қарор қабул қилган эди

◆ РИМ. Италиянинг Пезаро шаҳрида анъанавий халқаро кинофестиваль туради. Совет кино санъати Пезарода кенг намойиш қилинди — у ерда мамлакатдаги турли кино студияларининг 20 та кино фильми, шу жумладан режиссер Ларисса Шепитьконинг «Электр ватани», Элем Климовнинг «Лариса», Кира Муратованинг «Қисқа учрашувлар» ва «Узоқ кузатишлар» фильмлари намойиш этилди.

Кўп сонли томошабинлар ва танқидчилар Польша, Венгрия, ЧССР, Руминия, Болгария ва ГДР кинематографиячилари асарлари билан танишишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари Пезаро фестивали программасига Росселини, Мильеза фильмларини қайта кўрсатиш ҳам киритилган эди.

Калейдоскоп

ЖАНЖАЛКАШ «ҚУШНИ»

Нигериянинг Ибадане шаҳридаги Молете кўчасида жойлашган уйда истиқомат қилувчилар оғир дамларни бошларидан ўтказишди. Бўлиб ўтган тропик сел натижасида уйнинг биринчи қаватини сув босиб, ўзи билан бирга табиий офатдан қутурган тўрт метрли бўғма илонни олиб келди. Улкан илондан қутулиш учун онлалар аввалига иккинчи қаватга, сўнгра уйнинг томига қочиб чиқишга мажбур бўлганлар.

Орадан бир соат ўтгач, ёрдамга етиб келган солдатлар командаси кишиларни илон ҳамласидан қутқарди.

ОМАДСИЗ БИЛЛИ БИТЛ

Калифорниялик ёш йигит Билли Битл автомобиль ҳалокатининг қурбони бўлиб, Чикаго шаҳридаги госпиталга келтирилди. Шунда уни ҳаётнинг яна бир синови кутмоқда, эди.

Жарроҳлар яродор устида «фол очгунларича», Битл ётган операция столи тўсатдан ёниб кетган. Ёнғиннинг кучли бўлганлиги сабабли яродорнинг оёғи ва бели қаттиқ куйган. Бу хабар ҳақида Американинг «Ю-Эс-Эй Тудэй» газетаси маълум қилади.

ЧЕКМАСЛИКНИ ЎРГАТИШМОҚДА

Италиянинг Турин шаҳри мактабларида янги ўқув китоби пайдо бўлди, унинг ёрдамида ўқитувчилар чекишнинг зарарли эканлиги тўғрисида ўз фикрларини болаларга билдиришади.

Машғулотлар вақтида медицина тажрибаларга таянган ҳолда, тамакининг зарари хусусида улар очиқ-ойдин сўз юритишади. Ҳаққоний ахборотларга эга бўлган ўқувчилар тамакига эҳтиёткорлик билан назар ташлашмоқда. Бироқ, бундай эҳтиёткорликни Италияда тамаки ишлаб чиқарувчилардан кутиш қийин бўлмоқда. Италия ҳанузгача дунёда тамаки ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келяпти.

Турфа олам

КЎЗ ЁШИ УЧУН ПУЛ ТЎЛАНГ

Баъзан ёлғиз йўловчи вокзал ёки аэропортда кузатувчилар даврасидаги бошқа йўловчиларни кўриб ўзини ўнғайсиз ҳис этади.

Филадельфиядаги (АҚШ) холис хизмат фирмаларидан бири ана шу вазиятни инобатга олиб йўловчиларга кузатув маросимини «юксак савияда» ташкил этишни тавсия этмоқда. Мисол учун фирма ходимаси йўловчини



кузатгани чиқиб, кўз ёши тўкиши, қучоқлашиб видолашиши, поезд қўзғалганидан сўнг узоқ вақт рўмолчасини силкитиб туриши мумкин. Албатта, бунинг учун олдиндан пул тўлаб қўйиш керак.

ТРАМВАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ

Американинг кўпгина йирик шаҳарларида жамоат транспортининг қадимги тури — трамвай яна ривожлана бошлади.

Ишбилармон америкаликлар 1 миля узунликдаги шаҳар трамвай линиясининг қурилиши ва эксплуатация қилиниши 1 миля узунликдаги метро линиясига нисбатан 40 баравар арзон тушишини ҳисоблаб чиқдилар. Бунинг устига кенг автомобиль трассаларига эга бўлган Лос-Анжелес шаҳри чекаларида 2 мингинчи йилга келиб автомобиллар ниҳоятда кўпайиб кетиши сабабли уларнинг ўртача тезлиги соатига атиги 17 миляни ташкил этар эди. Бундай вазиятда трамвай ёрдам бериши мумкин.

ЎТМИШ МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА

Ота-боболаримиз илгари қандай ишлашган? Ғарбий германиялик тарихчилар ана шу саволга жавоб топиш учун кўп вақтлардан бери Германиянинг саноати тарихига оид ҳужжатларни йиғишмоқда. Яқин беш йил ичида жумладан «Вестфалиянинг индустриал музейи» очилади. Бу ерда қайта тикланган саноат иншоотларини: машина залларини, кон анжомларини, тўқувчилик фабрикасини, шиша ва ғишт заводларини кўриш мумкин. Энг қизиғи шундаки, «экспонатлар» ишлаб турибди. Зиёратчиларнинг кўз ўнгида ғишт пиширилиб, газламалар тўқиб чиқарилади.

МУКОФОТЛАШ НИЯТИДА ЭДИЛАР



Австралиянинг йўл полицияси интизомсиз ҳайдовчиларни жазолаш билан бирга, қоидани ҳеч бузмай руль бошқарувчиларни ёрлиқлар билан мукофотлайди ҳам. Сидней шаҳри яқинида истиқомат қилувчи ҳайдовчилардан бири ана шундай ибратли ҳайдовчи чиқиб қолди.

Полиция интизомлилиги, йўл ҳаракати қоидаларини ҳурмат қилиши учун мақтаб, унга расмий ёрлиқ топширилишини маълум қилди. Аммо ёзиб олинган маълумотлар (ҳайдовчининг фамилияси, адреси, машинасининг номери) компьютерга киритилганда полициячилар аросатда қолдилар: маълум бўлишича ибрат олса арзийдиган шофёр 15 йилдан бери ҳайдовчилик гувоҳномасн бўлмай туриб машинани бошқарар экан.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Корректор дафтаридан

◎ Гўшт — мушт.
◎ Уруш — уриш.
◎ Раъхохон — маънохон.
◎ Эртак — эрмак.
◎ Жизза — тизза едик.
◎ Қовун — совун.
◎ Мастава — пачава.
◎ Ҳалол бўлди — ҳалок бўлди.
◎ Бешик — тешик.
◎ Ўрток — ўроқ.
◎ Қатиқ — қаттиқ.
◎ Жазирама — жизиллама.
◎ Моҳир чопон.
◎ Товоқ сомса.
◎ Устараси иссиқ одам.
◎ Варақи — вароғи.
◎ Қўнғиз — тўнғиз.
◎ Сувоқчи — увоқчи.

Собит ҒАФУРОВ.

телепрограммалар

Душанба

29 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Футбол шарҳи. 10.00 «ҚОҒОЗ ВАРРАК КУНИ». Телевизион бадиий фильм премьераси («Арманфильм»). 11.15 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.50 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 «Рус тили». 17.15 А. Князев чалади (виолончель). 17.50 «Хонадон ва унинг соҳиби». Ҳужжатли фильм («ЦСДФ»). 18.20 Хоккайдо хорининг чиқиши (Япония). 18.50 ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ 19.30 Мультфильм. 19.50 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса» Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Футбол шарҳи. 22.50 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.05 Хотин-қизлар жаҳон конгресси иштирокчилари учун концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Шабнамдаги одимлар» (Рига), «Акуловлар» (Шарқий Сибирь кинохроника студияси). 10.00 «Украин гулдастаси». Фильм-концерт (Киев). 10.30 ОБЪЕКТИВ. 11.00 От спорти. СССР чемпионати. «Битца» спорт комплексидан кўрсатилади. 11.45 «Дастлабки тергов» Бадиий фильм. 13.15 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». «Мультфильм 1, 2, 3-сериялар. 13.55 Болалар учун фильм. «Мўмин-қобил уччилар» («Беларусьфильм»). 1-серия. 15.00 Янгиликлар.



* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 19.45 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Тулки ва Хўроз». 20.45 Футбол шарҳи. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ОФТОБ ТУШАДИГАН ЖОЙ». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»). 22.25 Молдавия операсининг ёш солистлари. Кишинёвдан кўрсатилади. 22.50 Енгил атлетика. Европа кубоги. ЧССРдан кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Салават — ёшлик шаҳри». «Ватанимни шарафлайман» туркумидан. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Ота-оналарга болалар ҳақида». Оилада orасталикни тарбиялаш. 8.30 Болалар учун фильм. «Кашф этилмаган ороллар».

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Она тили. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Она диёр». Илмий-оммабоп программа. 18.45 «Унчалик эмасдир». Мультфильм. 18.55 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Шогирдлар даври». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 20.50 АХБОРОТ. 21.10 Ўзбекистон Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 Фильм ҳақида суҳбат. «Бошқа тарафдан». 22.25 «Орол дарди — бизнинг дардимиз». Публицистик кўрсатув (рус.). 23.35 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Хўжасизликка ўт очамиз». Ангрен кўмир конининг шу кунги муаммолари ҳақида (рус.). 20.00 «Кечувда». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Унутилмас сатрлар». Ҳофиз Хоразмий. 21.00 «Транспорт ва йўловчи». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 «Кароляндаги олчалар». Ўш область драма театрининг спектакли.

Сешанба

30 ИЮНЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм. 10.55 «Сенинг қизиқишларинг олами». Ҳужжатли фильмлар. 11.25 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 «Онамларнинг мактаби». 17.15 Е. Светланов. «Қишлоқда кеча ва кундузлар». Духовой чолғулар квинтети учун сюита. СССР Давлат академик симфоник оркестри солистларининг ансамбли чалади. 17.25 «Республика билан биргаликда». ГДР — СССР ҳамкорлиги ҳақида кинoочерк. 17.45 Халқаро конкурс лауреати Ю. Слесарев чалади (фортепьяно). 18.25 «ҲАР БИР КИШИ УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛАДИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 19.45 «Мен ҳозирги дунёда». Ёш олимларнинг фалсафий ўқуви. 20.25 «АФСОНА». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ленфильм»). 1-серия. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Жаҳон халқларининг ижоди. Ҳиндистон санъати. 23.05 ТЕЛЕТОМОШАБИН ҲАМРОҲИ. 23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 9.35 БУДИЛЬНИК. 10.05 ЧАШМАЛАР. 10.35 «Рус тили». 11.05 «Офтоб тушадиган жой». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 11.25 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.55 ФАН ВА ТУРМУШ. «Барқарорликни излаб». 1-кўрсатув. Кўрсатувда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никоновлар иштирок этади. 12.25 Болалар учун фильм. «Мўминқобил уччилар». 2-серия. 13.30 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм 4, 5, 6-сериялар. 14.00 Янгиликлар.



* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 Акробатика. Европа чемпионати. Польшадан кўрсатилади. 20.15 «Ирина Отиева куйлайди». Фильм-концерт («Экран»). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Биз ҳайвонот боғидамиз». 20.45 ... 16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 21.30 ВРЕМЯ. 20.05 «Енгиб ўтиш». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 23.25 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Илҳом». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Тонгги тароналар. 8.30 Болалар учун фильм. «Само йўли».

* * *

17.30 Янгиликлар 17.40 «Абитуриент-87». Математика. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Пионерлар мамлакатида» (рус.). 19.00 «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». 19.30 АХБОРОТ (рус). 19.45 «Оилавий ҳаёт алифбеси». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Чоршанба

1 ИЮЛЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Мультфильмлар. 9.45 Урал баянчилар триоси чалади. 10.10 «Афсона». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 Болалар учун фильм. «Оқ фил» (Ҳиндистон). 18.10 ... 16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.55 «Ниҳоятда қулай бир шароитда». Телевизион ҳужжатли фильм («Укртелефильм»). 19.15. ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 19.55 ФАН ВА ТУРМУШ. «Барқарорликни излаб». 2-кўрсатув. Кўрсатувда ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никонов, ВАСХНИЛ вице-президенти, академик А. Н. Каштановлар иштирок этади. 20.25 «АФСОНА». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «МАМЛАКАТНИНГ БОШ КУТУБХОНАСИ». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»). 22.30 «Кинематограф: кеча, бугун ва ...» 23.45 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 24.00 Футбол. СССР чемпионати МАСК— «Спартак». 2-тайм. 00.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Всеволод Кочетов» («ЛСДФ»), «Варос Шахмурадян» (Ереван). 9.55 «Қувноқ стартлар». 10.30 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 11.30 М. Таривердиевнинг М. Светлов шеърларига ёзган қўшиқларини С. ва Н. Радченколар ижро этади



11.45 Р. Брэдбери. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.30 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 7, 8, 9-сериялар. 13.00 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.30 Болалар учун фильм. «Капитанлар» («Грузияфильм»). 14.35 АРХАНГЕЛЬСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 15.35 А. Бардина чалади (гитара). 15.55 «ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ: ЯНГИ ПРОГРАММА». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 16.20 Мотоспорт. Жаҳон чемпионати. ЧССРдан кўрсатилади. 16.50 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.40 Владимир Ильич номли завод Маданият саройининг «Искра» академик хори ижро этади. 18.55 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Республикалараро кийим-кечаклар улгуржи савдо ярмаркасидан репортаж. 19.25 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». А. Брукнер. 6-симфония. Москва консерваториясининг Давлат симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Г. Рождественский. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Думлар». Мультфильм. 1-кўрсатув. Кўрсатувни А. Вовк олиб боради. 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Юрмала-87». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг II Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 1-тур (1-кун). Танаффус пайтида —Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Пионер телетайпи». 7.50 «Днепр бўйлаб». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Тонгги тароналар. 8.30 Болалар учун фильм. «Қўғирчоғим — овунчоқ».

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Физика. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.30 АХБОРОТ (рус). 19.45 «Давлат қабули — давр талаби». Давлат қабули шароитларида Чирчиқ трансформатор ва Андижон «Электродвигатель» заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ҳақида (рус.). 20.15 «Ёшлик сафда». Телефильм. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Жавоҳир дурдоналари». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Балоғатга етмаганлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 23.25 «Асосий иш». Ҳужжатли фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Пайшанба

2 ИЮЛЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗА Л А Р. 10.15 «Афсона». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 Ж. Лондон қаҳрамонлари экранда. «Смок ва кичкинтой» (Литва киностудияси). 1-серия. 17.55 «Биз қандай дам оляпмиз». Кишинёвдан кўрсатилади. 18.25 «ШАҲАР КОМИТЕТИ. БИР ЙИЛ ЎТГАЧ». Сумгаит шаҳар партия ташкилотининг қайта қуриш шароитларидаги иши ҳақида. 18.55 «Онамларнинг эртаклари», «Сеҳрли қўнғироқчалар». Мультфильмлар премьераси. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 20.05 А. Хачатурян. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасига ёзилган музикадан сюита. СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Е. Светланов. 20.30 «БОҚИЙ ҲИНДИСТОН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — сиёсий шарҳловчи Б. Калягин. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 Ижрочилик санъати усталари. Рудольф Керер. 23.05 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.20 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 «ВАРИАНТ» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Эстония ССРда агросаноатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида (Таллин). 9.50 «Буратино». СССР халқ артисти С Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий академик қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли («Экран»). А. Толстой эртаклари мотивлари асосида. 11.00 «Онамларнинг мактаби». 11.30 ТАРИХ САБОҚЛАРИ. Телевизион журнал. 12.15 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун 12.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 10, 11, 12, 13-сериялар. 13.30 «Шаҳар навбатчилигини қабул қилдим». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 14.45 Мотобол. СССР чемпионати. «Автомобилист» (Элиста) — «Ковровец» (Ковров). Элистадан кўрсатилади. 15.10 Янгиликлар. 15.20 «Шанба — ота-оналар куни» (30 майдаги кўрсатув такрорланади).



* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА. Киножурнал. 19.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Думлар», Мультфильм. 2-кўрсатув. 20.45 МУЗИКАЛИ КИОСК. Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Беляева олиб боради. 21.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Юрмала-87». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг II Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 1-тур (2-кун). Танаффус пайтида — Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Биз кулча ёпдик». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Тонгги тароналар. 8.30 Болалар учун фильм. «Эртак бошланади».

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Химия. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватан ҳимоячиларини тарбиялаймиз» (рус.). 18.40 М. Бобоев. «Она қалби». Телевизион театр. 19.30 АХБОРОТ. (рус.). 19.50 «Наштар». Сатирик киножурнал (№ 134). 20.00 «СССР — ҲИНДИСТОН. ФЕСТИВАЛИ». 20.35 «Ҳам совхоз, ҳам техникум». Телефильм. 20.50 АХБОРОТ. 21.10. «ЎЗ МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Крылья Советов» (Куйбишев). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 22.55 «Телетомошабин сўрайди, таклиф этади ва танқид қилади» (13 июндаги кўрсатув такрорланади). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Жума

3 ИЮЛЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Мультфильмлар: «Фантик», «Қамиш сурнайча ва кўзача». 9.45 «Сергей Есенин юртининг қўшиқлари». РСФСР халқ артисти Н. Кутузов раҳбарлигидаги МТ ва БР рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 10.30 «Боқий Ҳиндистон». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 Болалар рақсга тушади. 17.00 «XXI аср га экспедиция». 18.00 «Съезд делегати Дмитрий Ульянов». Ҳужжатли фильм. «Улар биринчилардан эдилар» туркумидан. 18.30 «В. Маяковский лирикаси». СССР халқ артисти О. Басилашвили ўқийди. 19.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.25 СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ ҲАҚИДА КРЕМЛДАН РЕПОРТАЖ. 20.30 «Деҳли. Даврлар алоқаси». Ҳужжатли фильм («КНФ»). 20.55 «Утсав» ҳинд миллий театрлашган байрамининг очилишидан репортаж. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 «Юрмала-87». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг II Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 2-тур. Юрмаладан кўрсатилади. Танаффус пайтида — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Халқ куйлари. 9.35 «ТОНГДА ПАЙДО БЎЛГАН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Киевнинг тарихий ўтмиши, бугунги қиёфаси ҳақида (Киев). 10.05 «Асли болаликдан» Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания». 11.00 «Енгиб ўтиш». Бадиий фильм. 12.00 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи. 12.50 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 13.20 «Омон бўлсак, кўрамиз». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси). 14.35



ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 15.35 Янгиликлар. 15.45 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. «Сен киму мен ким?» Хатларга жавоблар.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 Р. Шуман. Халқаро конкурслар лауреати В. Янглинг (виолончель) ва Г. Ширинская (фортепьяно) ижросида учта пьеса-фантазия. 19.00 Сизни киноартистлар клуби «Автограф» таклиф этади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Кунгабоқардаги шерча». Мультфильм. 20.45 БИЗНИНГ УЙ. Телевизион журнал. 21.30 ВРЕМЯ. 22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!» 7.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўринбосарлар улғаймоқда». 8.00 АХБОРОТ. 8.20 Тонгги тароналар. 8.30 Болалар учун фильм. «Элперхейн».

* * *

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-87». Биология. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Бахтли болалик». Концерт (такрорий). 19.00 «Кўнглимни қўшиқ билан чароғон эт». Фильм-концерт. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 ИНТЕНСИВЛАШ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ. Агросаноат хўжаликларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш ҳақида. 20.15 Телефильм. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Созимиз — овозимиз». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ. Телеуниверситет. «Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». 22.30 ЭКРАНИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА. «Канадалик киши». Бадиий фильм («Дефа», ГДР). 24.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Шанба

4 ИЮЛЬ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига. «ТЎРТ ДЕНГИЗ ОША». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Мурманск). 9.45 «Нега ва нима учун?» Болалар учун кўрсатув. 10.15 ИНСОН. ЕР. КОИНОТ. 10.45 «Югославия бўйлаб». Киноочерк. 11.05 «Музика ҳамон янграйди..» Москвада бўлиб ўтган I Бутуниттифоқ духовой музика байрами ҳақида. 11.30 Мультфильмлар. 11.50 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Ҳеч ким ўлишни истамади». Бадиий фильм (Литва киностудияси). 13.30 ҲАМДЎСТЛИК. Телевизион журнал. 14.00 В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАРКАЗИЙ СТАДИОННИНГ КАТТА СПОРТ АРЕНАСИДА ҲИНД САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ ГАЛА-ТОМОШАЛАРИ. 15.30 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Омонат кассалар ишини такомиллаштириш ҳамда аҳолига бериладиган кредитларни кенгайтириш ҳақида. 16.15 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Халқ рақслари» (Жазоир). 16.50 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 17.05 ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА. 18.10 9-СТУДИЯ. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.10 «Танишинг: чет эл цирки». 20.05 «Бальзаминовнинг уйланиши». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 Время. 22.00 ҲИНДИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 00.30 Янгиликлар. 00.40 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Рябина, рябина». Концерт. 9.45 Ритмик гимнастика. 10.15 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 10.45 «Қора денгиз бўйига». Бадиий фильм («Мосфильм»). 12.00 «Жаҳон бадиий маданияти». Н. С. Лесков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.55 СИЗ ЯРАТГАН БОҒ. 13.25 Телевизион театр таклиф этади. О. Бальзак. «Сағри тери тилсими». 15.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта» балетидан сюита. РСФСРда хизмат кўрсатган коллектив — Ленинград Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижросида. Дирижёр — СССР халқ артисти Е. Мравинский. 16.15 «Тунда айтилган эртак». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 17.30 Реклама. 17.35 «Спорт ва шахс». В. Абалаков. 18.05 ЗДОРОВЬЕ. 18.50 «Унутилмас музика



ли кечалар». Л. В. Бетховен. И. Камуйя ҳамда Токио шаҳри япон филармониясининг оркестри ижросида фортепьяно ва оркестр учун концерт. Дирижёр — А. Ватанабе. ЧССРдан кўрсатилади. 19.30 «Бола ва булут». Мультфильм. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Қувноқ гном». Мультфильм. 1-кўрсатув. 20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 21.05 ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ. Киножурнал. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Санъат усталари». РСФСР халқ артисти О. Янковский. 23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Спорт умидлари камалаги». Телефильм. 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Хуш келибсиз!». Манзарали фильм. 8.30 Москва. ВРЕМЯ. 9.15 Музика. Яхши кайфият (такрорий). 9.45 Врач маслаҳати. 9.55 «Оқ флюгер». Бадиий фильм («Ленфильм»). 11.15 «Саломат бўлинг!» Сузиш машғулотлари. 11.45 Болалар учун. «Янгроқ қўшиғимиз парвоз эт». 12.15 ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИГА. «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 12.45 «Арктикадаги учрашув». Ҳужжатли фильм. 13.35 «Ёшлигимиз қўшиқлари». Фильм-концерт. 14.05 «Абитуриент-87». Урганч шаҳар ал Хоразмий номли педагогика билим юрти ҳақида ҳикоя. 14.35 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Революция арафасида» (рус.).

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қора товуқ». Мультфильм. 18.20 Болалар учун концерт (такрорий). 18.50 «Футбол чорраҳаларида». Наманганликларнинг севимли ўйини. 19.20 «Наштар». Сатирик киножурнал (№ 135). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. Ў. Ҳошимов. «Кўнгилнинг кўчаси». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Учрашув». Эстрада программаси. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Устозлар ва шогирдлар». Музикали кўрсатув. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 «Олтин бешик». Мультфильм («Қирғизтелефильм»). 16.25 «Изланиш ва жорий этиш», «Енгиш». Телефильмлар. 17.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Любавинларнинг тугатилиши». Бадиий фильм. 18.30 БУГУН — ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ. «Харидорнинг кўнглини топиб». 19.00 Ўш кўрсатади. Халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали. Қорасув райони. 20.00 МЕЗГИЛ (қирғиз ва рус тилларида). 20.30 «Тошкент музикали комедия театрининг артистлари — меҳмонимиз». 21.10 «Диққат, илғор тажриба» (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.00 Телевидение ва матбуот. «Ала-Тоу» журналининг ижодий коллективи билан учрашув. 23.20 Экранда — кинокомедия. «Отўйин» (рус.).

Якшанба

5 ИЮЛЬ

ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган киножурналлар: «Зангори йўлларда», «Янги дарё кемалари». 9.40 Ритмик гимнастика. 10.25 «Спортлото» тиражи. 10.40 БУДИЛЬНИК. 11.10 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 12.10 ТОНГГИ ПОЧТА Музикали кўрсатув. 12.40 Киноафиша. 13.25 ФАН ВА ТЕХНИКА. Киножурнал. 13.40 МУЗИКАЛИ КИОСК. 14.10 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 15.10 ЗДОРОВЬЕ. 15.55 «Ўрток қўшиқ» Бутуниттифоқ телевизион конкурси. Архангельскдан кўрсатилади. 16.35 «Хотирамизнинг бир лаҳзаси». Хроникал ҳужжатли фильм. 17.25 Мультфильмлар: «Кучук ва мушук», «Бир томчи асал» (Арманистон). 17.55 ИСТЕЪДОД. «Дарёчилар». 18.25 Кубань казаклар хори — 50 ёшда. Краснодардан кўрсатилади. 19.10 ХАЛҚАРО ПАНОРАМА. 19.55 Киножурнал. 20.05 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Славянканинг хайрлашуви». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Юрмала-87». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари II Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг якунловчи концерти. 01.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 «Бальзаминовнинг уйланиши». Бадиий фильм. 10.45 НОВОСИБИРСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.30 «Рус тили». 12.00 Мамлакат миллий театрлари фестивали. Т. Миннуллин. «Алла». Ғ. Камол номли татар Давлат академик театрининг спектакли. 14.05 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 14.40 «Малла». Мультфильм. 14.50 ПОЗИЦИЯ. Инсоннинг маънавий ҳаёти ҳақида Бутуниттифоқ бадиий-публицистик программа. Туркумнинг очилиши. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Г. Боровик олиб боради (14 июндаги кўрсатув такрорланади). 15.55 «ЎН ИККИНЧИ КЕЧА ЁКИ НИМА КЕРАК?». Фильм-балет премьераси Г. К. Доницетти музикаси (В. Шекспирнинг шу номли пьесаси асосида (Тбилиси). 17.15 МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР.



18.15 Мотоспорт янгилиги. Стадионда мотокросс. Крилатскоедан кўрсатилади (23 июндаги кўрсатув такрорланади). 19.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Қувноқ гном». 2-кўрсатув. 20.45 УЗОҚ ШАРҚ. Киножурнал. 20.55 КАМАЛАК. Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Халқ рақслари» (Жазоир). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Кеча келибоқ». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 23.15 Янгиликлар. 23.20 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 00.20 Мотобол. СССР чемпионати. «Автомобилист» (Элиста) — «Металлург» (Видное). Элистадан кўрсатилади.

● ЎзТВ

7.10 Ритмик гимнастика. 7.30 «Музикали палитра». 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Чегарада». Телефильм. 8.30 Москва. ВРЕМЯ. 9.15 «Биргаликда куйлаймиз». Ф. Назаров, А. Обиджон. «Қўғирчоқ». 9.35 Ижодкор ёшлар учун. «Истеъдод». 9.55 «Хайр, кабутарлар». Бадиий фильм (Ялта киностудияси). 11.25 Бадиий гимнастика. Болалар спорт мактаблари ўқувчиларининг Бутуниттифоқ ўйинлари. 11.55 Касблар ҳақида ҳикоялар. «Бўлажак тарбиячилар». 12.25 Болалар учун телетеатр. И. Мусаев. «Алиботир — халқ халоскори». Жиззах область қўғирчоқ театрининг спектакли. 13.25 «Балиқчининг ризқрўзи». Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган кинопрограмма. 13.55 «Урушдан кейинги учрашувлар». Адабий театр (рус.). 14.25 «Абитуриент-87». Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти. 14.55 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ғаройиб манеж». Мультфильм. 18.30 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». ҚҚАССР ва республика областлари болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Сирдарё ёшлари. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 Бир асар тарихи. П.Қодиров. «Мерос». 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Бизга мактуб йўллабсиз». Музикали программа. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.